


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи	10

1. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60310100 - Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) бакалавриат таълим йўналиши – “Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар” соҳасидаги йўналиш бўлиб, турли мулк шаклларида тегишли, темир йўл транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари, тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш – иқтисодий ва таҳлил хизматларини ўз ичига олади, темир йўл транспортининг таркибий тузилмалари ва корхоналарини ривожлантиришга, истикболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услублари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– темир йўл транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари, уларнинг харажатлари ва натижалари, молия ва ахборот оқимлари, таълим жараёнига мос касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ривожлантириш асослари, фирма ва компаниялар, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқариш, илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий фаолиятни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобланади.

60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- молиявий-иқтисодий;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот.
- тадбиркорлик

1.2.4. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида: темир йўл транспортида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;

- темир йўл транспортида режалаштириш ишларини ташкил этиш;
- темир йўл транспортида хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истикболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқариш;
- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш;
- моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар нормативини ишлаб чиқариш;
- хўжалик юритувчи субъект ва унинг буйруқлари фаолиятини иқтисодий таҳлил ҳамда ҳисоб-китоб қилиш;
- меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;
- ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориш услублари ва воситаларидан фойдаланиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш;
- тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш;
- ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини ўрганиш;
- ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёри ва қоидаларига амал қилиш.
- темир йўл транспорти корхоналари фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- темир йўл транспорти корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларида иқтисодий ва молиявий фаолиятни бошқариш;
- фирмалар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- темир йўл транспорти корхоналари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- темир йўл транспорти корхоналари бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- темир йўл тармоқ ва корхоналари маркетинги тадқиқотларини ўтказиш;
- темир йўл транспорти субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари кўллаш;
- темир йўл транспорти субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш;
- темир йўл транспорти корхоналарига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

– темир йўл транспорти корхоналаридаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

– янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

– бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60310100 – Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

– ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

– музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

– корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

– таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириш;

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариш;
- таваккалчилик ва уни пасайтириш, корхоналарда максимал фойдага эришиш нуқтасини аниқлаш, талаб ва таклиф эластиклигини ҳисоблаш, рақобатлашган бозор шароитида нархни белгилаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдани ҳисоблаш ҳамда меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозорини таҳлил қилиш;
- макроиқтисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнлар ва алоҳида кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши қонуниятларини аниқлаш;
- давлат ҳокимияти ва унинг ваколатларини турли поғоналар ўртасида тақсимлаш тамойиллари ва минтақа молиявий маблағлари ҳамда уларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш;
- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши; меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш;
- жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиш;
- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;
- корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этиш тизими, маркетинг комплекси, маркетингнинг ички ва ташқи муҳити, бозор конъюнктураси ва бозор сигимини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш;
- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;
- ишлаб чиқаришни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, малака талабалари, иқтисодиёт, темир йўл транспорти хўжалик юритувчи субъектлари, корхона фаолияти, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни технологик асослари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари, фойдани максималлаштириш, модернизация, самарадорлик, рақобатбардошлик.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор О.Абдурахманов



20__ йил «__» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари

А.Муминов

Директор в.б. М.Эсонов

202__ йил «__» _____
М.Ў.



202__ йил «__» _____
М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Бошқарма
бошлиғи

А. Хамролиев

Ректор К.Шарипов

202__ йил «__» _____

М.Ў.



202__ йил «__» _____

М.Ў.